

Firuz RASHIDOV
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
senyor lecturer of the chair on Social-humanitar
sciences. rashidov77@mail.ru

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

SPECIFIC FEATURES OF PROVIDING SECURITY OF TOURISM

ОСОБЕННОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ ТУРИЗМА

Аннотация: Ўзбекистон туризм соҳасида ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун улкан салоҳиятга эга бўлган мамлакат ҳисобланади. Бугун зиёрат туризмини ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиётига салмоқли даромад келтириш, аҳолининг муайян қисми бандлигини таъминлаш учун туризм инфратузилмасини ривожлантириш билан бирга туристлар хавфсизлигини таъминлашни кафолатлаш, уларнинг саломатлиги ва ҳаёти билан боғлиқ эҳтимолий хавфларни сугурталаш муҳим ҳисобланади.

Калит сўзлар: Турист, экскурсант, кафолат, туроператор, турагент, хавфсизлик, сугурта, шошилинч хизмат.

Аннотация: Узбекистан – страна с большим потенциалом, как для путешествий, так и для посещения в сфере туризма. Сегодня важно приносить значительный доход экономике страны за счет развития выездного туризма, обеспечивать занятость определенной части населения, гарантировать безопасность туристов наряду с развитием туристической инфраструктуры, страховать возможные риски, связанные с их здоровьем и жизнью.

Ключевые слова: турист, экскурсант, гарантия, туроператор, турагент, безопасность, страхование, экстренная служба.

Abstract: Uzbekistan is a country with great potential, both for travel and for visiting in the

field of tourism. Today, it is important to bring significant income to the country's economy through the development of outbound tourism, to provide employment to a certain part of the population, to guarantee the safety of tourists along with the development of the tourist infrastructure, and to insure possible risks associated with their health and life.

Keywords: Tourist, excursionist, guarantee, travel operator, travel agent, security, insurance, emergency service.

Ўзбекистонда бугунги кунда хизматлар кўрсатиш соҳасидаги туризм хизматлари замонавий хизмат турлари сифатида талқин қилиниб, унга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Статистик маълумотларга аҳамият қаратадиган бўлсак, 2005 йилда мамлакатимизда туристик фаолиятни амалга оширган корхоналар сони 258 та бўлган бўлса, 2017 йилда уларнинг сони 517 тани ташкил этиб, мамлакатга ташриф буюрувчилар сони 6748512 [1] нафар кишини ташкил этди. Туристик компаниялар сони 1482 [2] нафарга етди.

Туризм фаолиятини тартибга солишга оид норматив ҳуқуқий база яратилди. Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида туризмда хавфсизлик масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар амал қилади. Мазкур ҳужжатлар кўпинча давлат органи томонидан стандартлаштирилган бўлиб, бу туроператорларга янада самарали ишлаш ҳамда туристик маҳсулот истеъмолчисига таҳдид солувчи хавф-хатарлар даражасини баҳолаш имконини беради. Бу стандартлар туристик корхоналар, идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, туристик хизматлар сифатига қўйиладиган мажбурий ва тавсия этилувчи талабларни белгилайди.

Турист хизматлар сифатига қўйиладиган мажбурий талаблар, шу жумладан, туристлар хавфсизлиги, саломатлиги ва мол-мулкнинг бутлигини таъминлаш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар давлат томонидан кафолатланади.

Ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда туристлар ҳамда экскурсантларнинг хавфсизлигини ва ҳимоя қилинишини, жамият ва давлат манфаатларини, туризмдан

шахсларнинг қонунга ҳилоф миграцияси, уларнинг меҳнатини эксплуатация қилиш ҳамда уларни бошқача тарзда эксплуатация қилиш мақсадида фойдаланишга қарши курашишни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги ва «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларида туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлиги кафолатланиши билан бирга, ихтисослаштирилган, қутқарув ва шошилиш хизматлар, шунингдек, туризм соҳасида суғурта қилиш билан боғлиқ масалалар батафсил акс эттирилган.

Хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари туристлар ва экскурсантларнинг шахсий хавфсизлиги, уларнинг мол-мулки бут сақланиши, атроф табиий муҳитга, жамиятнинг моддий ҳамда маънавий қадриятларига, давлат хавфсизлигига зарар етказилишининг олдини олиш таъминланишини назарда тутати.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари барча туристик йўналишлар бўйича туристлар ва экскурсантларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқади ҳамда уларнинг бажарилишини ташкил этади.

Туризм соҳаси субъектлари туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлигини таъминлаш, табиий офатлар чоғида, улар жароҳатланганда, касалликка чалинганда ҳамда бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга тарзда ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Ваколатли давлат органи туроператорларни, турагентларни, туристлар ва экскурсантларни вақтинча бўлиш мамлакатадаги (жойидаги) туристлар ҳамда экскурсантларнинг хавфсизлигига нисбатан таҳдид тўғрисида хабардор қилади, шунингдек, хавфсизликка нисбатан таҳдид мавжуд бўлганлиги сабабли бориб кўриш учун тавсия этилмайдиган мамлакатлар (жойлар) рўйхатини оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан, ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Муассислари (ҳаммуассислари) давлат органлари бўлган оммавий ахборот воситалари ваколатли давлат органига туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлигига нисбатан таҳдид ҳақидаги ахборотни эълон қилиш имкониятини дарҳол ва бепул тақдим этади.

Туристлар ва экскурсантлар юқумли касалликларнинг юқори даражадаги хавфига

учраши мумкин бўлган вақтинча бўлиш мамлакатага (жойига) саёҳатни амалга ошириш бошлангунига қадар халқаро тиббий талабларга мувофиқ профилактикадан ўтиши шарт.

Туристлар ва экскурсантлар гуруҳларини кузатиб боровчи шахслар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дастурий асосда минимал тиббий тайёргарликка, тиббий буюмларга ҳамда дори қутчасига эга бўлиши шарт [3].

2017 йил 23 ноябрда 939-сонли “Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида 2017-2020 йилларда хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган бўлиб ушбу қарор асосида 2017 йилда хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси тасдиқланди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида туризм хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари фаолияти такомиллаштирилди.

Хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича яратилган тизим туризм жойларида ҳамда туристлар томонидан республика бўйлаб ҳаракатланиш учун фаол фойдаланилаётган темир йўл ва ҳаво-транспорт инфратузилмаси объектларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш чора-тадбирларини ўзида бирлаштирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон ҳамда 2019 йил 1 февралдаги «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5647-сон фармонларига мувофиқ, шунингдек, транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини самарали таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш мақсадида 2019 йил 6 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида жорий этилаётган Хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида татбиқ этиш босқичма-босқич амалга оширди;

ички ишлар органларининг белгиланган штатлар сони доирасида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ички ишлар бошқармаларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилди.

Бошқармалар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

бевосита туризм намоиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари хизматини самарали ташкил қилиш;

ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш борасидаги фаолиятига ахборот-техник жиҳатдан кўмаклашиш, улар ўртасидаги ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик устидан қатъий назорат ўрнатиш;

туризм намоиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида криминоген вазиятни тизимли таҳлил қилиш, туристларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан манзилли чоратadbирларни амалга ошириш [4].

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Тошкент метрополитенида ички ишлар бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлими негизида вазирликнинг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси ташкил этилди.

2019 йил 1 апрелдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига шартнома асосида туристлар ва туристик гуруҳларни автотранспортда ҳаракатланиш вақтида кузатиб бориш ҳамда моддий маданий мерос объектларида жамоат тартибини сақлаш бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи берилди;

транспорт объектларида, биринчи навбатда, туризм йўналишдаги поездларда хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича функциялар транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширила бошланди;

транспорт объектларида содир этилган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабар ва ари-

заларни ҳисобга олиш ва қайд этиш марказлашган тартибда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг навбатчилик қисмлари томонидан амалга оширилмоқда;

транспорт объектлари ва уларга туташ ҳудудларда содир этилган жиноятлар билан боғлиқ баҳсли материалларни кўриб чиқишга доир қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш бўйича ўринбосари томонидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

туризм йўналишидаги темир йўл транспортида ҳаракатланиш давомида содир этилган, тегишлилиги бўйича ички ишлар органларига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш уларда жамоат тартибини самарали таъминлаш учун кузатувчи профилактика инспекторлари лавозимларини босқичма-босқич жорий этиш орқали бевосита поездларнинг ўзида амалга оширилади;

темир йўл вокзаллари ва аэропортлар атрофида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилишининг олдини олиш ва чек қўйиш ҳудудий ички ишлар органлари билан биргаликда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилади [5].

2019 йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармаси ташкил этилди ҳамда уни шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгиланди:

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тушумларининг 10 фоизи;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимлари томонидан тегишлилигига кўра уларга тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича ундирилган жарима маблағлари;

мазкур қарорга мувофиқ хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун келиб тушадиган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ҳамда

қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамғарма маблағлари ҳисобидан:

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг қўшимча штат бирликларини жорий қилиш ҳамда туризм намоёниши ва инфратузилмаси объектларининг сони ҳамда ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳага фуқароларни шартнома асосида жалб қилиш;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимлари учун, қонунчиликда белгиланган бошқа қўшимча ҳақлардан қатъи назар, лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда рағбатлантирувчи устамалар жорий этиш ҳуқуқи берилди.

Жамғарма маблағлари фақат қуйидагилар учун сарфланади:

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаларининг ходимларини рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг касбий тайёргарлигини ошириш, улар томонидан илғор хорижий тажрибани, шу жумладан, хорижий мамлакатларга чиқиш орқали ўрганиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг қўшимча жорий этилган ва бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган штат бирликларини ҳамда шартнома асосида жалб қилинган фуқароларни молиялаштириш;

хавфсиз туризмни таъминлаш соҳасида кўргазма ва ярмаркаларни ўтказиш, лойиҳа, дастур ва бошқа тадбирларни амалга ошириш.

2020 йилда Жаҳон қонун ва тартиб индексида кўра, Ўзбекистон дунёнинг энг хавфсиз тўққиз мамлакати сафидан ўрин олди. Бу борада кучли ўнликка кирди. Албатта, барчамиз учун фахрли бу кўрсаткичга ўз-ўзидан ёки тасодифан эришилмади, бунинг замирида юртимиздаги кенг кўламли ислохотлар самараси ётади [6].

Умумий ютуғимиздан руҳланиб, бугун юртимизда хавфсиз туризмни ривожлантириш тамойиллари, янгича тартиб-қоидалар самарадорлиги ҳақида гапирмоқчимиз. Гап шу ҳақда кетар экан, аввало, Ўзбекистон яқин-йироқ давлатлар, барча халқлар учун очиқлик сиёсати йўлига ўтгани, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун этиб белгилангани,

тинчлик ва хавфсизликни сақлаш асосий мақсадимиз эканини таъкидлаш ўринли.

Бугунги ислохотларимиз миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Кейинги йилларда мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш, уларга қулай ва хавфсиз шароитлар яратиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Тошкент шаҳри ички ишлар тузилмаларида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилди.

Хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаларига танлов асосида бир нечта хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган, касбий жиҳатдан етук ҳамда юксак муомала маданиятига эга ходимлар жалб қилинди. Уларнинг асосий вазифалари сифатида, энг аввало, туризм объектларида жамоат тартибини сақлаш, юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар ва таҳдидларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини, шу жумладан, уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, тезкор ва сифатли ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу бўлинмалар ходимлари мамлакатимизга хорижий давлатлардан ташриф буюрган расмий делегация вакилларини кутиб олиш, ташриф чоғида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кузатиш каби муҳим вазифаларни ҳам бажариб келмоқда.

Юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун бошқармалар замонавий техника воситалари билан жиҳозланган, алоҳида белгилар ва логотиплар билан ажралиб турувчи автобус, енгил хизмат автомашиналари, патруллик хизматини олиб бориш учун мотоцикл, скутер, сегвей, планшетлар билан таъминланган. Шунингдек, ходимларнинг ўзига хос имижини юксалтириш учун экипировка ва ташқи кўринишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ходимлари учун дизайнерлар билан ҳамкорликда замон талабларига мос, туну кун хизмат олиб бориш учун ҳар томонлама қулай янги хизмат кийими ишлаб чиқилиб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоят ИИББ ҳамда Самарқанд вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаларига синов тариқасида тарқатилди. Шу кунларда аҳоли ва ходимларнинг фикрлари ўрганиб чиқилмоқда.

Бугунги кунда хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари фаолиятига янада янги техника воситаларни жорий этиш режалаштирилмоқда. Масалан, Тошкент вилоятининг экотуризм имкониятларидан келиб чиқиб, келгусида гидротцикл ва катерлар харид қилиш назарда тутилган.

Халқчил сай-ҳаракатларимиз юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаларига куч ишлатар тизим сифатида эмас, аксинча, ўзларининг хавфсизлигини кафолатловчи, ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки, шаъни ва кадр-қимматини турли тажовузлардан муҳофаза қилувчи, муаммоли вазиятларда тезкор ва сифатли ёрдам кўрсатишга доимо тайёр ҳимоячиси сифатида қарамоқда. Сайёҳларнинг бу борадаги фикр ва мулоҳазалари ижтимоий тармоқларда ҳам ўз аксини топган.

Ҳар қандай мамлакатнинг турли йўналишлар бўйича эришган ютуқлари халқаро рейтинг агентликларининг тадқиқот натижалари бўйича баҳоланади. Бу рейтинглар кейинги йилларда мамлакатимиз аксарият соҳаларда сезиларли ютуқларга эришаётганини кўрсатаётгани ҳам қувонарлидир.

Таҳлиллардан маълумки, сайёҳлар, биринчи навбатда, ўзлари саёҳат қилишни истаган мамлакат гўзаллигига эмас, балки хавфсизлик даражасига эътибор қаратмоқда. Айниқса, таҳликали кейинги йилларда бу ҳол яққол намоён бўлмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон иштиракида ўтказилган рейтинг натижалари сайёҳларни юртимизнинг кўҳна кентлари, гўзал табиатига оҳанрабодек чорламоқда.

Бир неча халқаро ташкилотлар дунё мамлакатларининг туризм соҳасидаги хавфсизлигига оид рейтинг таҳлилари натижаларини эълон қилди. Унга кўра: “International SOS and Control Risks” халқаро компанияси экспертлари 2018 йили ўтказган тадқиқотда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги ишлаш ва саёҳат қилиш

бўйича энг хавфсиз давлат сифатида қайд этилди. Шу йил бошида АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинган маълумотда ҳам Ўзбекистон саёҳат қилиш учун энг хавфсиз давлатлар рўйхатига киритилди. АҚШнинг “Gallup Global” компанияси Глобал қонун ва тартиб рейтингда Ўзбекистон 2018 йил натижалари бўйича 91 балл билан саёҳат қилиш учун энг хавфсиз бўлган давлатлар бешлигига кирди. Бу рейтингда Ўзбекистон билан бирга Сингапур, Норвегия, Исландия ва Финляндия етакчилик қилган.

Жаҳон иқтисодий форуми экспертлари ўтказган “The Travel and Tourism Competitiveness 2019” халқаро рейтингда ҳам Ўзбекистон 5-ўринни забт этди. Шу йили Буюк Британиянинг “The Telegraph” нашри Ўзбекистонни туризм йўналишидаги энг чиройли ва ажойиб жойлар ТОП-10 рўйхатига киритди ҳамда ҳақиқий (аутентик) туризм йўналишида 1-ўринга лойик кўрди.

Германиянинг оммабоп бўлган “BILD” онлайн нашри томонидан тузилган 2020 йилда энг яхши туризм йўналишидаги давлатлар рейтингда Ўзбекистон яна биринчи ўринда. Россиянинг “Oktogo.ru” сайти ўтказган рейтингда энг арзон туризм йўналишидаги шаҳарлар қаторида Тошкент шаҳри ТОП-5 рўйхатига киритилди.

Мамлакатимизда зиёрат туризми ҳам жадал ривожланмоқда. Фикримизни “Crescent Rating” компанияси томонидан 2015 йилдан буён юритиладиган “Global Muslim Travel Index”нинг 2019 йилги натижаларига кўра, Ўзбекистон зиёрат туризми учун энг қулай бўлган давлатлар рўйхатидан жой олгани мисолида ҳам тасдиқлаш мумкин. Австралиянинг “Lonely Planet” нашри эса Ўзбекистонни саёҳат давомида саргузаштларни кидириш учун энг яхши давлатлар рейтингда 2-ўринга лойик, деб эътироф этди [7].

Gallup’s Америка жамоатчилик фикрини ўрганиш институти ҳар йили жаҳон микёсида ўтказилган қонун ва тартиб индексига кўра, 2020 йилда Ўзбекистон 92 балл билан Норвегия, Австрия, Швейцария ва БАА қаторида хавфсиз мамлакатлар ўнталигига киргани том маънода мамлакатимизда хавфсиз туризмни ривожлантиришга оид яратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижроси натижасидир.

Gallup’s жамоатчилик фикрини ўрганиш институти хавфсиз мамлакатларни баҳолашда

фуқароларнинг маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига ишончи, фуқароларнинг хавфсизлиги таъминланганини ҳис қилиш даражалари, давлат ҳудудида туну кун эркин ва хавфсиз юриш масалаларига ҳам эътибор қаратади.

Ўзбекистонга хориждан келган сайёҳларнинг аксарияти инглиз тилида сўзлаша олади. МДХ мамлакатларидан келаётганлар эса, асосан, рус тилида гаплашади. Шу боис, ушбу соҳада фаолият олиб борадиган ходимлар рус ва инглиз тилларини мукамал билиши шарт. Шу мақсадда кадрларнинг тил билиш малакасини янада ошириш учун тизимли ўқув машғулоти ташкил этилмоқда.

Хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларига қўйиладиган талаблар, энг аввало, ватанимизга содиқ, фидойи, танлаган касбини ардоқлайдиган, олдига қўйилган вазифаларни бенуқсон бажара оладиган, маънавий етук, билимли, жисмонан бақувват, юксак маданиятли, хорижий тилларни мукамал ўзлаштирган, интилувчан, ўз тақдирини мамлакат тақдири билан боғлаган, ёрдам беришга доимо тайёр ходим бўлмоғи лозим. Хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси доирасида бошқармалар фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги ситуацион марказни мисол қилиб келтирадиган бўлсак, бу ердаги замонавий технологияларни қўшни мамлакатлардан ташриф буюрган делегация вакиллари ҳам юқори баҳолади. Ситуацион марказни Самарқанд шаҳрининг «виртуал кўзи» дейиш мумкин. Тезкор алоқани таъминлаш мақсадида Регистон майдонида “SOS” видеоалоқа тугмаси ишламоқда. Марказдан туриб Самарқанд шаҳридаги туристик намоиш объектларида, аҳоли гавжум бўлган жойларда барча вазиятни узоқдан кузатиб бориш имконияти мавжуд.

Бу каби ситуацион марказ Шаҳрисабз шаҳридаги ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси маъмурий биносида ҳам ташкил этилган. Бугунги кунда Хоразм ва Тошкент вилоятлари ИИБ ХТТБларининг маъмурий биноларида ҳам бундай марказларни ташкил этиш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда [8].

Шу билан бирга, коронавирус пандемияси сабаб дунё миқёсида чет эллик сайёҳлар оқими камайган бўлса-да, маҳаллий туризмни

ривожлантириш, хорижий давлатлардан ташриф буюрган меҳмонларга янада хавфсиз ва қулай шароитлар яратиш, уларда мамлакатимиз ҳақида ижобий фикрлар уйғотиш устида зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари сайёҳларга доимий равишда хизмат кўрсатиш, уларга ёрдам беришга шай. Тизим ходимлари Ўзбекистонга келадиган сайёҳларнинг мамлакатимиз ҳақида гўзал хотиралар билан қайтишига барча имконият ва салоҳиятини сафарбар этишда давом этади [9].

Мумлакатимизда хавфсиз туризмни, хусусан, зиёрат туризмни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар республикага ташриф буюрувчилар оқимини кўпайтириш билан бирга инвестиция кириб келиши, ушбу индустриянинг жадал ривожланиши, иш ўринларининг кўпайиши, миллий маданият, санъат ва қадриятларимизнинг дунё бўйлаб кенг танилиши ва оммалашишига жуда катта ҳисса бўлиб қўшилади. Бу эса, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти олдигаги ижобий имижини оширишга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти (stat.uz/rasmiy-statistika/services-2, 2020)
2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумоти расмий сайти маълумотлари (<https://uzbektourism.uz/uz>, 2020)
3. Ўзбекистон Республикасининг Туризм тўғрисидаги қонуни/35-модда. (18.07.2019 йил). Retrieved 2021 йил 15-01 from www.lex.uz: <https://lex.uz/docs/4428097>
4. Хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси бўйича нималар қилинди? . (2018 йил 08-01). Retrieved 2021 йил 15-01 from kun.uz: <https://kun.uz/07091761?q=%2Fuz%2F07091761>
5. (2019 йил 06-03). From www.lex.uz: <https://lex.uz/docs/4229310>
6. (2020). Ўзбекистон Тошкент: <https://uzbektourism.uz/cyrl>.
7. (2020). stat.uz/rasmiy-statistika/services-2. Uzbekistan, Tashkent: <https://stat.uz/rasmiy-statistika/services-2>.
8. <https://uzbektourism.uz/uz>. (2020). <https://uzbektourism.uz/uz>. Тошкент.
9. Усманов, С. (2020 йил 3-11). “Янги Ўзбекистон” газетаси, p. 1.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида Туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони 05.01.2019 й. ПФ-5611